



“Эрк” партияси — Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтказилган биринчи партия. Унинг низоми Адлия вазирлигида 1991 йил 3 сентябрда № 039 рақами билан рўйхатга олинган (Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуни 1996 йил 26 декабрда № 337-І рақами билан рўйхатга олинган).

Фаолиятининг асосий мақсадлари:

Рўйхатга олиш хусусида гувоҳномада ёзилишича: мустақил демократик давлат тузиш.

Раҳбарият:

- Партия етакчиси: Муҳаммад Солиҳ;
- Партия бош котиби: Отаназар Ориф.

Партиянинг расмий нашри

«ЭРК» газетаси Ўзбекистон матбуот қўмитасида 1991 йил 19 сентябрда № 000092 рақами остида рўйхатдан ўтган, 1990 йилдан ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.

Тарихи

«Эрк» партияси 1991 йил 29 декабрда ўтган дастлабки Ўзбекистон президенти сайловларида ўз номзоди билан қатнашган. Партия етакчиси Муҳаммад Солиҳ мазкур сайловда Ислома Қаримовнинг ягона рақиби бўлган. Ушанда Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби лавозимида, Ислома Каримов — 1991 йил 24 мартда Олий Кенгаш томонидан сайланган президент лавозимида эди.

Марказий матбуот маълумотида кўра Муҳаммад Солиҳ 12,7 фоиз овоз олган. Бунгача Ўзбекистон радиоси унинг 33 фоиз овоз олганини эълон қилганди. Мустақил кузатувчиларнинг номзод ишончли шахслари маълумоти асосида ҳисобига кўра эса 50 фоиздан зиёд овоз олган. “Эрк” номзоди ишончли шахслари айтишича, баъзи сайлов округларида сайлов натижасига протоколларга уларнинг розилигисиз ўзгаришлар киритилган ва марказий сайлов комиссиясига уларнинг имзосисиз

Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур тугилгонсен!



Ўзбекистон
ЭРК
Демократик
партияси

official website

ЎЗБЕКИСТОН «ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНИГА 26 ЙИЛ ТЎЛДИ

юборилган.

Сайлов бюллетенлари чоп этилган марказий босмахона ходимларининг “Эрк” партияси офисига берган хабарига кўра, сайлов участкаларига берилган сайлов бюллетенлари сайловчилар сонидан 50 фоиз ортиқ бўлган.

«Эрк» партияси “Мустақиллик декларацияси” муаллифи, унинг кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ташаббускори ҳисобланади. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Кенгаши сессияси бир кун аввал тасдиқланган кун тартибини такрор кўриб чиқди ва Ислома Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг қаршилигига қарамай уни “Мустақиллик декларацияси”ни кўриб чиқиш масаласи билан тўлдирди. Айни вақтда сессия вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси иккинчи котиби Ефимов А. С. билан мунтазам телефон алоқасини тутиб турган КПСС Бош котиби Горбачёв М. С. талаби билан лойихага жузъий ўзгаришлар киритилди. Аммо бу ўзгаришлар ҳужжатнинг руҳини синдирилмади.

Партиянинг биринчи съезди 1990 йил 30 апрель кунини Тошкент шаҳридаги «Билимлар уйи»да

ўтди. Унда (Отаназар Ориф маъруза билан чиқди) партия дастури ва низоми қабулланди, марказий кенгаш ва партия раиси сайланди. Шу вақтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимида ишлаган таниқли шоир Муҳаммад Солиҳ раис этиб сайланди, партия раиси ўринбосари этиб (бу лавозим ўрнига кейинги съездда Бош котиб ва котиблар лавозими киритилди) шу вақтда Тошкент политехника институтида касаба уюшмаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келган физик олим Отаназар Ориф сайланди.

Партиянинг 2-съезди 1991 йил 3 февралда Ўзбектуризм мажлислар залида ўтди (бу бино ҳозир йўқ). Съезд Низом ва Дастурга ўзгариш ва тузатишлар киритди, Бош котиб этиб ёзувчи Аҳмад Аъзам, котиблар этиб Отаназар Ориф ва Хамидулла Нурмухаммад сайландилар.

3-съезд 1991 йил 25 августда Тошкентдаги Ўзбектуризмнинг «Тата» меҳмонхоналар комплексидаги янги мажлислар залида ўтди.

Съезд Янаев раҳбарлигидаги ГКЧП томонидан ҳокимиятнинг босиб олиниши ва Ўзбекистон

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

рахбарияти томонидан унинг фаолияти қўлланилишига қарши норозилигини билдирди.

Съезд 1990 йил 20 июнда қабул этилган “Мустақиллик декларацияси” асосида Ўзбекистон ҳукумати олдида ўз талаблари ва таклифларини кўйди. Қонунга кўра талаб қилинадиган 3000 аъзо рўйхати ўрнига 4000 одам имзоланган рўйхат асосида тузилган партияни расмий рўйхатдан ўтказиш хусусидаги съезд материаллари Адлия вазирлигига топширилди.

Ва 1991 йил 3 сентябрь куни Адлия вазирлиги партияни давлат рўйхатидан ўтказди ва № 039 ёрликни топширди.

Партиянинг 4- съезди 1993 йил 25 сентябрда Тошкентдаги Темирйўлчилар саройида ўтди. Тарқатилган партия билетлари ва делегатлар сайлаш меъёрларига асосланган ҳолда съезд арафасида партиядан 54 000 аъзо борлиги тасбит этилди.

Съезд ишида мажбурий

муҳожирликда бўлган партия етакчиси Муҳаммад Солиҳ қатнаша олмади.

Съезд куч ишлатувчи тизимларнинг кескин назорати остида ўтди. Съездни ташкил этиш ва съезд иши билан Отаназар Ориф шуғулланди. Съезд партия низомига ўзгаришлар киритди, раисни, марказий кенгаш ва бошқа раҳбар органларни сайлади.

Раис сифатида ҳукумат кучлари талабига қарамай вақтинчалик хорижда бўлган Муҳаммад Солиҳ такрор сайланди.

Партия 5- съезди 2003 йил 22 октябрда Тошкентда, Чўпонота кўчасидаги кўрлар жамияти Маданият уйида ўтди.

Съездда партия низоми ва дастурига ўзгаришлар киритилди. Партия дастурига, жумладан, партиянинг Ўзбекистон президенти номзоди партиявий лавозими тасдиқланди ва бу лавозимга босқичма-босқич сайланиш тартиби белгиланди, Марказий кенгаш ва бошқа раҳбар органлар сайланди. Партия етакчиси этиб Муҳаммад Солиҳ, Бош котиб этиб

— Отаназар Ориф сайланди.

Бу анжумандан сўнгра ЭРК партияси устидаги тазйиқ ва таъқиб янада кучайди ва ташкилот узоқ йиллар давомида ўз Създини ўтказолмади.

Нихоят, 2014 йил 3 майда Партия ўзининг 6-Създини ўтказишга ҳаракат қилиб кўрди. Меҳмонхонадан мажлис учун зал кира қилинди, вилоят ва туманлардан делегатлар рўйхати тузилиб, уларга анжуманга келиш учун йўл масрофлари юборилди. Аммо бутун олинган махфийлик тадбирларига қарамасдан, Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати анжуман ўтказладиган меҳмонхона соҳибларига таҳдид қилиб, ЭРК партиясидан олинган ижара ҳаққини қайтариб беришга мажбур қилди. Вилоятлардан келаётган делегатларнинг баъзиларини 48 соат ҳибсда ушлаб туришди, баъзиларини эса уйдан чиқаришмади, баъзиларининг уйларига босқин қилиб, калтаклаб кетишди.

Википедиянинг рус тилидаги саҳифасидан олинди



Яшасин!!!

Энди вақтинча ёки доимий пропускасиз ёхуд яшаш жойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари (390 минг сўмдан кўп) миқдорда маъмурий жаримага тортилади (бундан аввал — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача).

Бугун соат 18:55 да mvд.uz сайтидан Тошкент шаҳар ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ишонч телефонини олиб, кўнгироқ қилдим. Салом-алик, ҳол-аҳволдан сўнг, нодавлат ташкилотлар учун вақтинчалик

прописка ҳақида сўрадим. Ходим кўрсина муомала қилиб, «временный прописка очилмади, ҳали-вери очилмасаям керак» деб жавоб берди...

Янги кўшимчаларга кўра, вақтинча ёки доимий пропускасиз ёхуд яшаш жойида ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга қабул қилиш мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга асос бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, вақтинча ёки доимий пропускасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда

турмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйиши энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорда жаримага тортилишига сабаб бўлади.

Энди нима бўлади?

Тошкент шаҳридаги нодавлат ташкилот, фирмаларда ишлаётган, вақтинчалик прописка муддати тугаган (зотан, 6 ойлик муддат кўпчилиқда тугаб бўлди) фуқароларни иш берувчи мансабдор шахс жавобгарликдан қутулиш мақсадида ишдан бўшатади.

Вақтинчалик пропускасиз фуқароларни аниқлаб, ушбу қонун доирасида ҳаракат бошланадиган бўлса, «айбдор» фуқаро аввалига 390 минг, агар бу ҳолат яна такрорланса, 650 минг жарима тўлайди. Вақтинчалик пропускасиз фуқарони уйига қўйгани учун уй эгаси 1 миллион 300 минг жарима тўлайди-да, ўз-ўзидан сизни уйдан бадарға қилади.

Бечора фуқаро ҳам ишини, ҳам турар-жойини йўқотади... Кимдир кишлоғига, кимдир Россияга, яна кимдир аллақерларга кетади. Онг оқади, ўз юртимизга керак бўлган ақллар бошқалар учун хизмат қилади...

Яшасин!

Манба: Facebook.com

Имомнинг вазифаси – одамларга Оллохнинг амрини етказиш.

Имомнинг вазифаси – одамларнинг ухлаб қолган виждонини уйғотиш.

Имомнинг вазифаси – одамлар қалбидаги эътиқод мустаҳкамлиги йўлида хизмат қилиш.

Имомнинг вазифаси – юртбошини мақташ эмас.

Имомнинг вазифаси – президент сиёсатини масжид минбарларидан одамларга тарғиб



“Футболист” имомлар ёки Тулеповнинг “матч”лари

қилиш эмас.

Бугун Ўзбекистонда имом домлалар Оллоҳ амрларидан аввалроқ юртбоши амрларини етказишга масъул бўлиб қолдилар гўё. Улар Қуръон ўқиш ўрнига футбол ўйнашни маъқул кўряптилар. Айдарбек Тулепов исмли шахс – миллати қозоқ, ўзи намоздан йироқ – Ўзбекистон Муслмонлари идораси раисининг “ўринбосари”. Раис – муфтий “шайх” Усмонхон Темурхон ўғли Алимов жанобларидир.

Асосий мақсадга ўтиш олдидан бир масалага тўхталиш жоиз.

Шайх сўзи арабча. “Чол” деган маънога эга. Араблар чолларни “шайх” деб чақиради. Чоллар эса муслмончиликда ҳурмат қилинади. Яъни ҳадисга мувофиқ ёши улуғларга эҳтиром кўрсатилади. Марҳум аллома Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф араб ўлкаларида таълим кўрган. Шу сабабли “шайх” деган лақаб орттирган эди. Муҳаммад Содикнинг ҳурмати эл орасида юқори бўлиб кетди, у ўз илми билан халққа кўп манфаат етказди. Одамлар уни исми билан эмас, “Ҳазрат”, “Шайх ҳазратлари” деб чақирадиган бўлишди. Натижада, “шайх” деган сўз худди бир амал белгиси, улуғлик эмблемаси каби маънолар ифодалай бошлади. Буни кўриб Абдулазиз Мансур исмли олим ҳам ўзини “шайх” деб эълон қилди. Абдулазиз Мансур Худо шунча илм берса ҳам, жасурлик бермагани сабабли, жуда хуркак, бир пайтлари Дин ишлари кўмитасида, президент девонида ишлаган кезлари кастим-шим, галстук киярди – Қуръоннинг маъноларини ўзбек халқига етказиш йўлида яхши хизматлар

қилди. Хуллас, Ўзбекистонда Муҳаммад Содикдан кейин яна иккинчи “шайх” шу тариқа пайдо бўлди. Қарадиларки, шайхларнинг ошиғи олчи. Усмонхон Алимов ҳам ўзини шайх деб эълон қилвордилар. Натижада, у киши ўзлари “ёзган” китобларга “Шайх Усмонхон Темурхон ўғли” деб муаллиф кўрсатадиган бўлдилар. Биз айтмоқчи бўлган пичинг шуки, Шайх Усмонхон Алимов, агар “шайх” сўзини мартаба дейдиган бўлса, “ясалган” шайх, башарти, ўз маъносида ишлатсак, ҳақиқий, шайх, албатта. Яъни – чол. У кишига бу сўзни иккинчи маъносида қўллаш жоиздир, зотан, жума кунларида мавъизаларини қўл остидаги одамлар тайёрлаган “тезис”дан кўз узмай ўқиб берадилар. Араб тилидаги “айн”, бўғиздаги “ҳо”ни ўз маънодан чиқара олмайдилару, Қуръонга тафсир ёзганлари бироз одамни ўйлантириб қўяди. “Тафсири ирфон” номи остида у киши тафсир ёзаяптилар. Одатий такрорларга тўла, янги бир маъноларга эга бўлмаган бу тафсирни мутолаа қиладиганлар кўп эмас, “афсус”. Фақат бир гўзал ном – “Тафсири ирфон” сарлавҳаси увол бўлгани ёмон.

Энди асосий гап.

Бугун имомлар Каримовнинг агитаторлари бўлганлари етмагандек, анчадан буён футбол ўйнашга ружу қўйганлари қизиқ. Муфтийнинг ўринбосари бўлган Айдарбек Тулепов барча имомларни футбол ўйинига жалб қилган. У шундай кўрсатма берган.

Майли, футбол – соғлиқка “фойда”. Ҳарқалай, югурилади, овқат ҳазм бўлади, ортиқча ёғлар эрийди. Марҳум шайх Муҳаммад

Содик ҳазратлари ҳам сузишга борарди, волейбол ўйнарди.

Бироқ масала бошқа жойда. Имомларнинг командаларга бўлиниб футбол ўйнашлари, ўзлари учун махсус кунлар белгилаб олишлари ажабланарли. Улар, Қуръон ёки илм суҳбатлари учун алоҳида кун белгилаб олишса бўлмайdimи?

Худо раҳмат қилсин – Муҳаммад Содик ҳазратлари олимнинг виқори ва ҳайбати ҳақида

кўп гапирарди. Ўзи ҳам виқор ва ҳайбатини сақларди.

Стадионда қийкириб футбол ўйнаб юрган имомда ҳайбат қолармикин? Яна йигирма нафар имом чопиб юрса?! Кўрган одам шуми имомларнинг демайdimи? Дарвоқе, деяпти ҳам.

Тошкент вилояти Бўка тумани жоме масжидида Баҳриддин Шарипов исмли имом ноиб футбол ўйнаб қўлини синдириб олса, денг. Йиқилган-да. Каттиқ йиқилган ва қўл синган. Энди бу имомнинг маърузаси қанчалик “таъсирли” бўлишини тасаввур қилинг. Қўли гипсланган имом намозда, жума куни хутбада... Қўл бирор савобли иш ортидан синган бўлса – шараф. Лекин футбол ўйнаб синган бўлса-чи!

Имомларнинг бу қадар обрўсизлантирилиши Каримов сиёсатининг битта бўлагидир. Чунки беамал ва илмсиз имомларнинг фаолияти халқни диндан безитади. Масжидларда ҳамма диний ҳукмларнинг мазмуни “тинчликка кўз тегмасин”дан иборат бўлгандан кейин жамоатнинг аҳволини тасаввур қилиш мумкин.

Дарвоқе, Тулепов...

Ўзбекистон диний тизимини қўлда тутган бу кашанда ва бенамоз одам – муфтийнинг “ўринбосар”и айнан шу учун – Ўзбекистон аҳолисини ислом динидан узоқлаштириш топшириғи билан мансабга ўтқазилган. У бевосита МХХнинг вакилидир.


Ўзбек халқи эса нима бўлаётганини англамаяпти. Энди имомлари футбол ўйнаб, стадионда қўлини синдириб юргандан кейин яна нима кутиш мумкин?!

Абдуллох Нусрат

1990 йилнинг 30 апрелида Тошкентдаги Билимлар уйида бўлиб ўтган «Эрк» демократик партияси таъсис қурултойида «Ўзбекистон СССРдан мустақил бўлиши лозим» деган вазифа белгиланди.

Бундан олдин ўша йилнинг 12 апрел куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кичик залига тўпланган Муҳаммад Солиҳ бошчилигидаги зиёлилар гуруҳи янги демократик партия тузиш учун ҳаракат бошлашганди.

1990 йилнинг 12 апрел куни ўтказилган мажлисда иштирок этган шоир Эркин Воҳидов, мунаққид Аҳмад Аъзам, ёзувчи Зоҳир Аълам ва олимлар Шоди ва Тоҳир Каримовлар яқиндагина парламент депутатлигига сайланган



«ОРАДАН КЎП ЎТМАЙ, ШЕЪРДАГИ МАЖОЗЛАР ҲАЁТГА КЎЧДИ...»

Муҳаммад Солиҳ таклиф қилган «Эрк Демократик партияси» деган номни янги тузилма учун танлаш қарорини маъқуллашди.

Ўзбекистондаги «Ёш Ленинчи» газетасида Ўзбекистонда янги сиёсий партия тузилгани ҳақида мақолача чоп қилинди.

1990 йилги таъсис қурултойи иштирокчиси шоир ва собиқ сиёсий маҳбус Мақсуд Бекжон ўша кунларни эслаб eluz.com нашри учун махсус мақола ёзиб берди.

«Эрк» партияси таваллуд кунига

Ўтган асрнинг 80 йилларида ёш ўзбек шоирлари ижодида «Эрк» сўзи тез-тез ишлатила бошлади, бу жараён том маънода «дилдагининг тилга чиқиши» эди. Совет режими лошидан чиқаётган чиринди ҳиди билан бирга дарз кетган режимнинг ёриқлари орасидан ташқи дунёдан келаётган Эрк эпкинлари ёш шоирларнинг шеърларига кўча бошлаган эди. Янги ўзбек шеърятининг энг ёрқин вакиллари билан бирга бўлган Муҳаммад Солиҳ ўша пайтда Эрк ҳақида қуйидагиларни ёзди:

Тилчининг дегани

**«Эрк» сўзи
Отаси эмасмикан «эркак»
сўзининг?
Шундай бўлиши мумкин,
Фақат — ўтган замонларда.**

**«Эрк» сўзида, балки,
Умуман маъни йўқдир,
«Эрк» сўзи шунчаки
Улаётган аскарнинг
бўғизидан чиққан
«Ҳиқ»иллашдир?**

Шундай бўлиши ҳам мумкин,

Фақат Афғон томонларда.

**Биз учун эса,
Эринчок одам туқиган
сўздай туюлар у,
Шунчалар қисқа:
Эрк.**

1986

Шеърдаги «ЭРинчок» ифодаси «Эркак» ва «Эрк» калималарининг бизнинг заминимизда юз тутган аянчли эволюцияси сифатида кўрилса ҳам, бу таъна эмас, балки, огоҳлантириш эди.

«Улаётган аскарнинг бўғизидан чиққан «Ҳиқ»иллаш» эса, озодликнинг қурбонсиз бўлмаслигига ишора эди.

Хуллас, орадан кўп ўтмай, шеърдаги мажозлар ҳаётга кўчди, 1990 йил 30 апрел куни Эрк Демократик партияси ташкил этилди.

Партия моҳиятан миллий озодлик ҳаракати сифатида дунёга келган, унинг демократик сифати эса, миллий озодлик ғоясининг бир қисми эди.

Айнан шунинг учун ҳам Эрк партияси вакиллари Совет империяси қулаши арафасида рус демократлари томонидан ташкил этилган бутуниттифоқ «Демократический союз» ташклиотига қўшилмади, чунки, партия учун бирламчи бўлган нарса — миллий мустақиллик ғояси эди.

Партия ташкил топганидан сўнг 2 ой ўтар ўтмас Ўзбекистон Компартияси раҳбари Ислон Каримов ва ун бошқариб турган Москва айғоқчилари ва уарнинг гумашталари кўрсатган қаттиқ қаршиликларга қарамай, Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларациясини амаллаётган

Парламентида қабул этилишига эришди.

Бу миллатнинг буюк бир ғалабаси эди.

Эрк партияси ўзининг чорак асрлик фаолияти давомида Ўзбекистондаги мустақил режим қатағонлари баробарида муҳолифат ичига кириб олган турли хил сексотлар, бахил, бекорчи ва бошибузукларнинг хужумларига учради; бировларга иғво қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган бу иғвогарлар легиони чорак аср давомида Эрк партиясига қарши иғво қилиш ҳисобига кун кечирди.

Айни гапни Каримов режими ҳақда ҳам айтиш мумкин — Эрк ва унинг лидери Муҳаммад Солиҳга қарши пропаганда давлат сиёсатининг локомотивига айлантирилди.

«Эрк» мустақил режимнинг бутун қатағонларига қарамай, маргиналлашмади, ўз ғоя ва низомларига содиқ қолди, ўз сиёсий риторикаларида баъзи гуруҳлар сингари «очовот»лашмади, узининг юксак сиёсий савиясини сақлаб қола билди.

Сиёсий лексиконда маълум бир савия ва оҳангнинг сақлаб қолиниши — «очовот култури»дан, бозор шаллақилигидан безган ва чарчаган халқ учун нақадар муҳим эканлигини ҳеч унутмади.

Бугун мен сафдошларимнинг бир оз маънос ва ўйчан, аммо самимий ва қатъиятли чехраларига боқиб, халқимизнинг келажаги порлоқ эканлигига заррача ҳам шубҳа қилмайман.

Партиямизнинг таваллуд кунин билан сизларни чин дилдан табриклайман, азиз сафдошларим, биродарларим!

Мақсуд Бекжон

Малоҳат Эшонқулова: Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижрочилари ўпқон экан

УЧТЕПА ТУМАН СУД ИЖРОЧИЛАРИ ИККИ МАРОТАБА МАЖБУРИЙ ТАРЗДА МУСОДАРА ҚИЛИНГАН МОЛ - МУЛКЛАРИМИНИ ЖИҒИЛДОНЛАРИГА УРИБ ЮБОРИШИБДИ...

Гапимга суд ижрочиси Сирож Абдувалиев томонидан 2016 йилнинг 20 апрел куни тузилган ушбу далолатнома далил:

Кўриб турганингиздек, Учтепа туман суд ижрочиси Сирож Абдувалиев 2016 йилнинг 20 апрель куни мобил телефонимни хатлаш ва олиб қўйиш ҳақида тузган далолатномасида "... қарздор Эшонқулова Малоҳат Худжамовнадан давлат фойдасига жами 13.986. 950 сўм ундириш ҳақидаги ижро хатига асосан..." дея таъкидламоқда.

Нега энди менинг қарздорлигим шу кеча-ю кундузда ҳамон 13.986.950 сўм бўларкан?

Бундай бўлиши мумкин эмас.

Келинг, масалага ойдинлик киритиш учун факларга мурожаат қилайлик:

2011 йилнинг 27 июнь куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман суди мени ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган

ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг олтмиш баравари миқдорида – 2.984.100 (икки миллион тўққиз юз саксон тўрт минг бир юз) сўм миқдорида мутлақо ноқонуний жарима жазоси тайинлаган, шунингдек, 2012 йилнинг 12 июнь куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди менга ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг саксон баравари миқдорида – 5.033.600 (беш миллион ўттиз уч минг олти юз) сўм миқдорида тамомила асоссиз тарзда жарима жазоси қўллаган, ҳамда 2013 йилнинг 6 июль куни Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар суди эса менга ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг етмиш беш баравари – 5.969.2500 (беш миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг икки юз эллик) сўм миқдорида ғайриқонуний равишда жарима жазоси тайинланган эди. Демак, менга жами бўлиб судлар томонидан 13.986 950 сўм миқдорида ноқонуний жарима қўлланилган.

Тўғри, мен то шу кунга қадар судлар томонидан ноқонуний тарзда қўлланилган жарималарни ўз ихтиёрим билан сарик чақасини ҳам тўлаган эмасман.

Бирок, мавжуд қ а р з д о р л и г и м н и мажбурий тарзда ундириш мақсадида Учтепа туман суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси Ю.А. Бахромов, ижрочилар С. М. Юнусов, Р. Т. Худойназаров, Солиҳовлар томонидан 2012 йилнинг 6 ноябрь куни Тошкент шихар, Учтепа туманидаги мен истиқомат қилаётган хонадондан мол-мулклар мусодара қилиб кетилган эди.

2012 йилнинг 6 мартида мол-мулкни

мусодара қилиш тўғрисида тузилган далолатнома юқорида номлари келтирилган суд ижрочиларининг, шунингдек, қўшнилариимиз — холислар Медведев, Мартъяновларнинг имзоси билан тасдиқланган ва бир нусхаси менга тақдим этилган эди.

Далолатномадан маълумки, 2012 йил 6 ноябрь кунги мен яшаётган хонадондан суд жарималарини мажбурий тарзда ундириш мақсадида 20 турга яқин мол-мулклар мусодара қилиш учан Учтепа туман суд ижрочилари томонидан олиб чиқиб кетилган. Мен мусодара қилиб кетилган мол-мулклар жами қанча нархга баҳоланганлиги тўғрисида маълумотнома беришларини сўраб Учтепа туман суд ижрочилар бўлими бошлиғига ҳузурига кўп қатнадим. Афсуски, улар менга нархлаш далолатномасини тақдим этишмади. Суд ижрочиси Рустам Худойназаров “Нархланди дегани, бу ҳали ўша нархда сотилиб кетди дегани эмас. Мол-мулкларингиз сотувга қўйилган, қачон сотилса, кейин сизга қанча нархга сотилганлиги хусусида маълумотнома берилади” деган мазмунда жавоб қайтарганди. Охирги маротаба “Мол-мулкларим қанчага сотилганлиги хусусида маълумотнома беришларингизни сўрайман” деб борганимда, суд ижрочиси Рустам ака “Мана, сизнинг мол-мулкларингизни икки миллион саккиз юз минг сўмга сотилганлиги ҳақида маълумотнома тайёр. Фақат суд ижрочилар бўлими бошлиғи имзо ва муҳр билан тасдиқлаши керак, кейинроқ келинг” дея оғзаки жавоб берганди. Аммо мол-мулкларим қанчага сотилганлиги тўғрисидаги маълумотномани қанчалар кўп қатнамай, Учтепа туман суд ижрочилар бўлими ходимларидан ололмагандим.

2013 йилнинг 5 декабрь куни Учтепа туман ИИБ терроризмга қарши кураш бўлими ходимлари мени Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан Олой бозори олд майдонига намойишга чиққан маҳалимда “Жамоат тартибини бузганлик” айблови билан тутиб, мажбурий тарзда

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Учтепа туман ИИБ биносига олиб кетишганди. 5 декабрь куни тунги соат 22.00 ларда ИИБнинг терроризмга қарши кураш бўлими хонасига Учтепа туман суд ижрочиси Р. Т. Худойназаров ва яна бир суд ижрочиси икки ҳолис ҳамроҳлигида кириб келиб, менинг кўлимдаги битта профессионал видеокамерини (АҚШдан келтирилган, бозордаги нархи 1000 АҚШ доллари) ва битта қўл телефони(Нокиа русумли, эскилиги сабаб бозордаги нархи нари борса 40 минг сўм турарди)ни ҳолислар ва Учтепа туман ИИБ терроризмга қарши кураш бўлимининг уч нафар ходимлари гувоҳлигида мусодара қилишган ва “Далолатномани эртага Учтепа туман ижрочилар бўлиmidан оласиз” деб чиқиб кетишган эди.

Битта видеокамера ва битта мобил телефон аппаратимни нархлаш далолатномаси ҳам кўлимга берилмаган.

Учтепа туман суд ижрочиларининг ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликлари боисидан то ҳанузга қадар мен истиқомат қилаётган хонадондан ва ИИБ биносида мендан мусодара қилинган мол-мулкларнинг қанчага сотилганлиги ҳақидаги маълумотлар негадир ҳамон мендан сир сақланмоқда.

Бироқ, шу нарса ҳақиқатки, Учтепа туман суд ижрочилари томонидан мол-мулклар олиб чиқиб кетилган ва илк мусодара қилинган жихозлар 2 миллион 800 минг сўмга сотилган. Кейинги мусодара қилинган профессионал камерам ва телефон аппаратим қанчага баҳоланганлигидан беҳабарман.

Модомики, менга судлар томонидан ноқонуний солинган жарималарни мажбурий тарзда ундириш мақсадида Учтепа туман суд ижрочилари томонидан 2012 йилнинг 6 ноябрида мусодара қилган мол-мулклар икки миллион саккиз юз минг сўмга, 2013 йилнинг 5 декабрида мусодара қилинган видеокамера ва телефон аппарати(Худо билади сотишганми, ёки туман суд ижрочилар бўлими бошлиғи эркатой ўғилчасига тортиқ қилганми) менга номаълум бўлган қанчадир нархга сотилган экан, қандай қилиб 2016 йилнинг 20 апрелига келиб судлар томонидан менга ноқонуний тарзда солинган жарималар миқдори ҳамон 13.986.950 сўмни ташкил этиши



мумкин?

Демак, бундан келиб чиқадики, Учтепа туман суд ижрочилари жарималарни мажбурий тарзда ундириш мақсадида мусодара қилинган мол-мулкларни сотишдан тушган маблағларни талон-тарож қилишган, жиғилдонларига уришган. Энди мушоҳада қилиб кўрсам, айни дамда жарималардан қанча қарзим қолганлиги ва қайси ҳисоб рақамига тўлашим лозимлиги хусусида оғзаки ва ёзма мурожаат қилган бўлишимга қарамадан Учтепа туман суд ижрочилари 20 кун давомида нима учун бир парча маълумотнома беришни намунча пайсалга солишмоқда десам, қинғир ишларининг қийиғи чиқиб қолишидан ҳадикда экан-да.

Учтепа туман суд ижрочилар бўлими раҳбари бошлиқ масъул шахслар қарздорнинг жарималарини мажбурий тарзда ундириш мақсадида мусодара қилинган мол-мулкларни сотишдан тушган маблағларни туя қилишдан чўчишмаганмикин?

Йўқ, чўчишмаган.

Эшонкулова Малоҳат Худжамовнани “Кўқармайдиган жойига теп!” дея шахсан Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати ходимларининг ўзи Учтепа туман суд ижрочиларига “приказ” берганидан кейин, менингдек “Халқ душмани”дан мажбурий тарзда ундирилган мол-мулкларни жиғилдонларига уриб юборишдан суд ижрочилари ҳадиксираб ўтирармиди? Албатта йўқ. Ҳукумат тепасидаги казо-казоларнинг ўзи “против” бўлиб турган бир маҳалда Эшонкулованинг ва ё унинг қизи, куёвининг паймол бўлган ҳақ-ҳуқуқларинини қай бир давлат амалдори ҳимоя қиларди?

Малоҳат Эшонкулова

Бир йил бўлмаётган оиласи билан ажрашган шахслар пропискани йўқотади

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинганга бир йил бўлмаган шахс оиласи билан ажрашса, у ҳолда пропискани йўқотади.

Ўзбекистон матбуотининг билдиришича, бу борада “Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага олиниши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифалари рўйхати” тўғрисидаги қонунга мана шундай ўзгартириш киритилган.

Мазкур ўзгартиш президент томонидан 25 апрель куни имзоланган ва 26 апрелдан бошлаб кучга кирган.

Пойтахтда пропискага туриш тўғрисидаги қонун 2011 йилда қабул қилинган эди. Мазкур қонунга асосан Тошкентда ва Тошкент вилоятида бошқа ҳудудлардан келган 12 тоифадаги шахслар прописка одиш ҳуқуқига эга.

УХХ хабарлар бўлими

Табрик

Ўзбекистонда Совет даврида илк мустақил сиёсий ташкилот бўлган «ЭРК» демократик партиясининг ташкил топганига 26 йил тўлди.

26 йил давомида «ЭРК» Партияси курашларга бой шарафли бир йўл босиб ўтди. 26 йил Партия учун зулмлар, таъқиблар, қувғинлар йили бўлганига қарамай, у оёқда қолди, аксинча ўз лидери Муҳаммад Солиҳ раҳбарлигида чиникди, тобланди, мустаҳкамланди.

Бу ташкилот Ислом Каримов диктатурасига қарши имконлари ниҳоятда чекланганига қарамай, тазйиқлардан, қамоклардан чўчимай курашган ягона ташкилотдир. «ЭРК» партияси оғир, машаққатли ва хавфли синовларга бардош берди, сабр этди ва бунинг мукофоти халқимиз учун том маънодаги хуррият булишига шубҳамиз йўқдир.

Азиз «ЭРК»чи дўстлар ушбу кутлуғ сана муборак бўлсин!

Ўзбекистон «ЭРК» демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши.

**2016 йил 29 апрел
Самарқанд**

Каримовнинг жорий йил 25 – 26 апрель кунлари Россияга қилган сафари тафсилотлар қисқа шаклда бўлса ҳам турли сайтларда ёритиб борилмоқда.

Биз ўтган йилнинг декабр ойда ёзган мақоламизда Туркия ва Россиядан бирини танлаш керак бўлса, Каримов қайси бирини танлайди деган масалани кўтарган эдик ва қуйидагиларни айтгандик:

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯНА БИР ХИЁНАТИ

“Бунда Каримов учун уч йўл бор:

1) Россия билан иттифокқа келишиш ва Туркия билан алоқаларни буткул узиш;

2) Туркия билан мавжуд муносабатларни сақлаб қолиш ва Россия билан бир қадар совуқлашиш ҳамда унинг босимига дучор бўлиш;

3) бетаарфлик мақоми – минбарга чиқиб Ўзбекистон халқаро жанжалларга аралашмаслиги, “тенглар ичра тенг” эканлигини эълон қилиш, бу ҳаракатни эса Ўзбекистон халқи, ёшларининг хавфсизлигининг таъминоти дея

“асослаш” (Манба: <http://uzh-alqharakati.com/archives/30323>)

Каримовнинг шу кунларда тутган йўли у биринчи вариантни танлагани ҳақида дарак бермоқда.

Каримов Ўзбекистон Россияга мева етказиб бериши ҳақида оғиз тўлдириб гапирди. Бу борада у Туркиянинг ўрнини боса олишини алоҳида таъкидлади.

Бизнинг фикримизча, бу Каримовнинг яна бир очик хиёнатидир. У бугун Россияга қилган “ташрифи” билан ўзининг асл башараси қандай эканлигини кўрсатди. Сабаби, Россия ва Туркия ўртасида муносабатлар кескинлашган шаклда турар экан, Ўзбекистон Туркиянинг иттифокдоши бўлиши учун сабаблар етарли эди. Соғлом мантиқ аслида мутлақо ана шуни талаб қилади.

Сабаблар ҳақида аввал ҳам тўхталган эдик. Ва яна уларни умумий шаклда санаб ўтаемиз:

Турк ва ўзбеклар бир миллатга мансуб халқдир. Уларнинг дунёқароши, турмуш тарзи, диний эътиқоди ўртасида фарқ йўқдир. Агар Ўзбекистон ўзига иттифокдош изласа, унга туркий тили давлатлар иттифокдош бўлиши шарт. Бироқ Каримов Россияни танлади, Туркия ўрнига Россияни турли маҳсулотлар билан таъминлашни даъво қилмоқда.

Россия Туркияга ҳам, Ўзбекистонга ҳам азалдан ноҳақ бир муносабатлар кўрсатиб келгани аён. Яқин икки юзлик мустахлақадан кейин Ўзбекистон ҳал қилувчи паллада Россия билан бу қадар яқинлашуви маъқуллаб бўлмайдиган ишдир.

Қолаверса, аслида декабрь ойда Россияга бориши керак бўлган Каримовнинг айнан шу кунларда Гулнора Каримов иши Нью Йорк судида кўрила бошлаганда Москвага боргани кўпчиликда турли тахминларни уйғотмоқда. Хусусан, Каримов ва Путинни фақат мамлакат манфаати эмас, балки шахсий манфаатлар ҳам бирлаштириб тургани ошкор бўлиб қоляпти.

Абдуллоҳ Нусрат

Шу кунларда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир Шухрат Тешаев республика бўйлаб сафар қилиб, экин мавсумининг боришини кузатмоқда, дея хабар беради «Озодлик» радиоси.

Вазирнинг 25 апрель куни Самарқандга келиши олдида вилоят ҳокими ҳукуматнинг янги сиёсатига қанчалик тез мослашганини намойиш қилишга астойдил киришган. «Озодлик» радиосига ташриф ҳақида маълумот берган фермерларга кўра, Самарқанд ҳокими бу йил бозорбоп деб кўрилмаётган экинларни буздириб, хусусан, вазир ўтадиган йўллар ёқасига янги талабга мувофиқ помидор эктирмоқда.

“Самарқанд вилоятига Қишлоқ хўжалик вазир келиши муносабати билан вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан катта йўллар ёқасидаги экин майдонларидаги маккажўхори, арпа, бугдой ва бошқа экин майдонлари устидан текислаб бузилиб, ер эгалари вазирнинг кўзи учун помидор ва бошқа полиз экинлари экишга мажбурланмоқда.

Бу борада, хусусан, Пастдарғом туманида “пайҳон тадбири” туман ҳокимлигининг зўравонлари

томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокида амалга оширилаяпти. Агар сиз “йўқ” десангиз, сизни сиёсатга қарши чиқмасликка чақиришаяпти.

Кеча йўл бўйидаги экин ерлари текислаб ташланди. Вилоят ҳокими Зоир Мирзаевнинг шахсан

расмийси вазир Шухрат Тешаевнинг шу кунларда республика бўйлаб саёҳатда экани, хусусан, 24 апрель куни Навоий вилоятида бўлиб, 25 апрелда ўз сафарини Самарқандда давом эттиришини тасдиқлаган.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмийси ҳам душанба куни

Вазирнинг ташрифи олдида йўллар ёқасига янги талабга мувофиқ мажбуран помидор эктирилмоқда

ўзи кеча келиб одамларга “Нега помидор, қовоқ ва полиз экинлари экмаяпсизлар?” деб дўқ қилиб кетган” лиги айтилади.

“Ғалла режасини 120 фоизга бажарасан, айни пайтда, ғаллазор четига ошқовоқ ва нўхат экасан, боғларнинг орасида картошка, помидор ва сабзи экасан, фалон тонна кўшимча сабзавот берасан деб, бўйнимизга кўйишаяпти. Бунақаси олдин бўлмаган. Уларга эътироз билдириб бўлмаса, дарров давлат сиёсати шунақа, қаршимисан, деб таҳдидга ўтади”, деди Самарқанднинг Самарқанд туманидан бўлган бошқа бир фермер. 25 апрель куни Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

вазирнинг келиши кутилаётгани ва экин ишлари жадал бораётганини билдирган:

— Ҳозир ўзим ҳам даладаман. Ишлар қаттиқ кетаяпти, мана тракторлар ишлаб ётибди. Қарга мумкин бўлса, шу ерга полиз экаяпмиз. Боғлар орасини ҳайдатиб, помидор, булғор қалампири ва қарам эктираяпмиз. Ғаллазорлар четига ошқади (ошқовоқ) эктираяпмиз. Ҳосили паст бўлган эски боғларни буздириб, очик майдонга айлантираяпмиз. Бизда макка экилмайди, шунинг учун макказорларни бузиб, ўрнига полиз эктираяпмиз. Вазир ҳали келмади,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кечроқ келиб қолар. Фақат мева-сабзавот эмас, пахтаниям, ғалланиям, чорвачиликниям назорат қилиб кетади,- деди Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмийси.

Бу расмийга кўра, имкон бўлган жойга сабзавот ва полиз экинлари

эктириш нафақат Самарқанд, балки бутун республика бўйича берилган буйруқ ва ҳозирги экин мавсумида қишлоқ хўжалигидаги асосий куч ана шу буйруқни бажаришга ташланган. Ўзбекистон ҳукумати 2016 йил охирига қадар Россияга мева-сабзавот экспорти ҳажмини 500 минг тоннага етказмоқчи ва бу ўтган йилгига нисбатан 2,5

бараварга кўпдир.

Ҳам ички бозорни тўлдириш, ҳам Россияга экспортни қарийб уч бараварга ошириш учун лозим мева-сабзавот етказиб бериш босими остида қолган деҳқон-фермерлар ўз бошларига пахтакор фермерлар қуни тушганидан кўркмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими



Жасорат билан танишув

Болалигимда шоир Шукур Қурбоннинг бир тўртлигини севиб такрорлаб юрардим. Менимча, ўша тўртликнинг матни қуйидагича эди:

Ҳақиқат осмонда деган гап бекор,

Ҳақиқат оёқлар остида хор-зор.

Чинордек қаддини тикласин учун

Бизлардан кўркмаслик – жасорат даркор.

Агар матнда бирор сўз алмашган ёки ноқислик бўлса, шоирдан афв сўрайман, чунки айна пайтда унинг китобини топиб, тўртликни аниқ келтириш имконига эга эмасман.

Аввалги мақолаларимизда кўркув ҳақида тўхтаган эдик. Бугун эса жасорат тўғрисида суҳбатлашсак...

Жасорат ҳақиқат билан чамбарчас боғланган тушунча. Ҳақиқат жасоратнинг эгизагидир. Жасорат шамоллари эсмагунча ҳақиқат уммони тинч тураверади. Жасорат қуёши порламас экан, зулм булутлари оламни зулматда тутуди, зўравонлик чўққиларида музлатилган ҳақиқат эримайди, булоқ бўлиб оқмайди, боғларни яшилликка буркамайди. Юрак кўркув исканжасидан чиқиб, жасорат қафтидаги қушга айланмас экан, шармандалиқ ва орсизлик оғриқлари чекинмайди.

Жасорат ҳақиқатни бўямай,

бежамай айтиш ва уни тан олишдир. Жасорат ҳақиқат учун курашиш, шу кураш йўлида бир лаҳза ҳам иккиланмаслик, бир лаҳза ҳам чекиниш ҳақида ўйламаслик, ғалабага бўлган ишончни сўндирмаслик, ҳар қандай изтиробни ҳақиқатнинг муждаси деб қабул қилмоқ ва ўлим шарбати тутилса, ҳақиқат шароби каби иккиланмасдан ичишдир. Ана шулар айна жасоратдир.

Жасорат ўзгаларнинг гуноҳларини кечириш, дўстларга муҳаббат кўрсатиш, ўз соғлом

бўлса ҳам Аллоҳнинг амрини ушлаб, Унинг раҳматига юз тутмоқ, адашганларга тавфиқ тилаб дуо этмоқ, унга торлик қилинса, бағрикенглик ила жавоб бермоқдир. Айна шулар жасоратдир.

Бугун биз мусулмонлар – туркий миллат жасоратга ҳар қачонгидан кўра муҳтожмиз. Биз узоқ тарих давомида жасоратга эҳтиёжманд бўлиб ётдик. Ҳақиқат ҳавосига зор қолди димокларимиз. Аммо ўрнимиздан туриб деразани оча олмадик. Эшикни оча олмадик. Шу ишларни қилиш учун жасоратга зор бўлдик.

Бугун биз мусулмонлар – туркийлар ўлим олди ғарғарада қолган одам кабидирмиз. Агар калима айтиш керак бўлса, бу ҳам жасорат сўзи бўлғусидир. Агар оғзимизга сув томизиш керак бўлса, бу ҳам жасорат сувидир.

Бугун туркий миллатлар яшаётган ўлкалар бўлак-бўлак бўлиб кетди. Бир қисмимиз Хитой қўл остида қон ютмоқдамиз, бир қисмимиз ўзимизни ўзимиз азобга маҳкум этяпмиз. Ўзлимизни унутдик, миллат дарди билан эмас ўз нафсимизнинг чиркин истакларига суяниб умримизни ўтказмоқдамиз. Балчиққа ботсак-да, ундан чиқиш ҳақида тафаккур этмаймиз. Ташқи душманларимизни енгиш биз учун иш эмас, аммо ичимиздан чиққан ғаним ҳаммасидан хатарлидир. Бу нафсоний иллатларни енгиш қанчалик машаққат бўлса, бу худди шундай машаққатдир. Бу теримиз юзасига чиққан ярадан кўра ичимизда – теримизнинг остига чиққан яранинг оғриқлироқ эканлиги кабидир.

Агар ошқозонимиз оғриси, парҳез қилмасак, ҳалок бўламиз. Бизни энг маҳоратли табиблар ҳам сақлаб қололмайдди. Биз бугун ошқозони оғриган, юрак ҳориган одам сингаримиз. Ўзимизни парҳезга ўргатмасак, яъни жасоратга одатланмасак, ўзимиздаги жасорат руҳини ўстирмасак, ҳалокатимиз муқаррардир».

Абдуллоҳ Нусрат

эътиқоди йўлида собит туриш, ўздан кечса ҳам, бошқаларга мурувватли бўлиш, золимга кучга кирса, мазлумлар учун кўкракни қалқон этмоқ, нафс истакларидан воз кечиш ўзини Ҳақ амрларига маъмур билмоқ, Ватан ва халқ, миллат ва эл учун борини тикмоқдир. Ана шулар айна жасоратдир.

Жасорат шайтон ҳийлалари авжга чиққан пайтда уларга алданмаслик, иймон ва эътиқод учун дунёлар қиймати таклиф қилинганда уни рад қила олиш, ҳамиша ҳақиқат учун курашда эканини ҳис этиш, ҳақиқат унга виқор беришини, ҳақиқатни танлагани, адлга суянгани учун Аллоҳ у билан эканлигини бир он ҳам унутмаслик, касал бўлганда ҳам, соғ юрганда ҳам, бойликка кўмилганда ҳам, қашшоқликдан эзилганда ҳам, бошида қилич ўйнаб, бўғзига тиғ тиралганда, бутун олам эли унга тиз чўкканда ҳам Қодир ва Раҳмон Аллоҳнинг энг ожиз бандаси эканлигини бутун вужуди билан туймоқдир. Ана шулар айна жасоратдир.

Жасорат улуг мақсад йўлида бирлашмоқ, дунёларни зулмат босганда ҳам ёруғликдан умидланмоқ, ёмонликлар ва ёвузликлар тантана сурганида яхшиликка ишонмоқ, ҳатто, инсоният гуноҳ денгизига ғарқ

Жорий йилнинг 21 апрелида, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ кўмитаси Қирғизистондан, ҳозирда умр бўйи қамок жазосини ўтаётган таниқли журналист, ҳамда ҳуқуқ фаоли Азимжон Асқаровни зудлик билан озод этишни талаб этган.

Ёйинланган баёнодда: “Азимжон Асқаров” конунга хилоф тарзда кўлга олинган, қамокда ғайри инсоний шароитларда сақланган, қийноқларга солиниб, шавқатсиз муносабатларни бошидан кечирган ҳамда суд тингловлари давомида ўзини химоя қилиш учун керакли тарзда тайёргарлик кўриш имкониятидан маҳрум этилган, — дейилади

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ кўмитаси жаноб Асқаров томонидан Қирғизистон устидан ёзган шикоятини

кўриб чиқиб, унга қўйилган айблов ҳукмини бекор қилишга чақирмоқда.

Кўмита қарори

“Таркибига инсон ҳуқуқлари бўйича 18 нафар мустақил эксперт кирган Кўмитанинг аниқлашича, Қирғизистон Асқаровнинг иши бўйича фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг бир нечта моддаларини бузган”, — дейилади БМТ Кўмитаси хабарномасида (Қирғизистон ушбу ҳужжатга кўшилган давлатлардан бири саналади).

Кўмита қайд этишича, жаноб Асқаровни аввал ҳалок бўлган ходим ишлаган милиция бўлимида сақладилар, бу ерда унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳеч қандай чора кўрмадилар. “Мустақли экспертлар томонидан ўтказилган суд-медицина экспертиза натижалари ҳамда бошқа далиллар унинг (жаноб Асқаров) қийноққа солинганини кўрсатмоқда”, — деб ёздилар Кўмита аъзолари ўз хулосаларида.

Қирғизистон, шунингдек, Асқаровнинг қийноқлар тўғрисидаги шикоятларини тез ва самарали текшируви ўтказилишини таъминламаган, — дейилади Кўмита ўз хулосасида. 2013 йилда ўтказилган кейинги

текширув “кенг қамровли бўлгани билан, ҳолислик тамойилига рия қилиниши таъминланмаган, негаки 100 дан зиёд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар, суд котиблари ва прокуратура ходимлари ўртасида

чиқилган. Кўмита аъзоларининг таъкидлашича, “айбланувчи ва адвокат томонидан самарали химояни таъминлашни амалга ошириш учун” гувоҳларни чақириб ва уларни кўрсатмаларини кўриб чиқиш қафолати ўта муҳимдир.



Қирғизистон Азимжон Асқаровни озод этадими?

Қирғизистон расмийлари муносабати

сўров ўтказилган бир пайтда, (жаноб Асқаров) қамокда ўтирган пайтда уни бориб кўриб юрган адвокатлари, ҳуқуқ химоячилар ва қариндошларининг фикри олинмаган”, — дея маълум қилади Кўмита.

Кўмита маълум қилишича, жаноб Асқаров сақланаётган шароит ғайриинсоний ҳолатда бўлган, унинг оғир касалини даволашга зарур шарт-шароит яратилмаган.

Кўмита қайд этишича, Асқаров ўз адвокати билан ёлғиз учраша олмаганин, ўзининг химоясини тайёрлаш учун зарур маълумотлар тақдим эта олмаганини маълум қилган.

Ҳалок бўлган милиция ходимининг қариндошлари бир неча бор унинг адвокатига хужум қилганида, милиция ва прокуратура бу ҳолатга бепарволик билан қараган.

Кўмигага кўра, бу аҳвол “адвокатнинг ўз профессионал вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ёппасига кўрқув муҳитини вужудга келтирган”. Шунингдек, 2010 йил 2 сентябрда бошланадиган суд мажлиси тўғрисида адвокатга кечиктириб хабар берилган. Ушбу суд тингловлари давомида айблов томонидан 16 та гувоҳнинг кўрсатмалари кўриб

Қирғизистон Асқаровни зудлик билан озодликка чиқариши ва унга етказилган барча зарарларни қоплаши шарт, дея таъкидлайди Кўмита ўзининг хулосасида. Зарур бўлса, “объектив ва ҳолис текширув, айбсизлик презумпцияси ва бошқа процессуал қафолатлар тамойилларига рия қилган ҳолда” янги суд процесси ўтказилиши лозим, — дея билдирдилар Кўмита аъзолари.

Қирғизистон Олий судидан билдиришларича, таниқли инсон ҳуқуқлари фаоли Азимжон Асқаровнинг ишини қайта кўриб чиқишлари мумкин.

«БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитасидан Олий судга келиб тушган қарор муносабати билан Қирғизистон Конституциясининг 41-банди бизни Азимжон Асқаровнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чораларини кўришга масъулиятли қилади. Бундан олдин Асқаров милиционерни ўлдиргани учун ҳукм қилинган. Жиноий-процессуал қонунчиликка мувофиқ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг юқорида номи тилга олинган қарори Олий суд томонидан жиноят ишини янги ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишга асос бўлади», деб айтган Қирғизистон Олий суди раисаси Айнаш Токбаева.

Токбаева сўзларига кўра, Азимжон Асқаровнинг ишини кўриб чиқишда БМТ кўмитаси тақдим этган важлар маҳкама томонидан инобатга олинади.

Мутахасислар фикри

“Азимжон Асқаровни шахсан танийман. У билан бир ташкилотда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

узоқ йиллар давомида ишлаганман. Қонли воқеаларда ҳам жанубда бўлганман. Аскарловни маҳаллий милиция ва прокурорлар ўйинининг қурбони бўлди дея ишонч билан айта олишим мумкин. Кимки Азимжон Аскарлов фақат ўзбекларни ҳимоя қилган деса, ғирт аҳмоқ ёки атайлаб миллатчилик қилаяпти. Аскарлов миллатига қарамасдан барча учун бирдек муомала қилган” – дейди Бишкеклик журналист Улуғбек Бобокулов.

Унинг фикрича, Қирғизистон ҳукумати Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ кўмитаси қарорини бажариш учун ҳалқаро ҳамжамият олдида кўзбўямачилик қилиши мумкин.

“Қирғизистон қатор ҳалқаро ҳужжатларни имзолаган. Ҳукумат БМТ талабини бажариш давомида, ўз позициясида туришга, ҳалқаро ҳамжамият олдида ўз обрўсини сақлаб қолишга, шунингдек ўзлари тарбиялаб, вояга етказган миллатчиларига нишон бўлмасликка ҳаракат қилади. Ишни қайта кўриб чиқиш давомида, умр бўйи қамоқ жазосини қандайдир шартли қамоқ жазога ўзгартиришлари мумкин. У ердан одам тирик чиқадими ёки йўқ, ҳеч ким билмайди” – дея ўз таҳминларини олға суради журналист Улуғбек Бобокулов.

Собиқ ҳуқуқ фаоли, ҳозирда Қирғизистон Жўғўрқу Кенгаши депутати Чолпон Жакупова Қирғизистон Азимжон Аскарловнинг ишини қайта ўрганиб чиқишига ишонмаслигини айтади.

“Ушбу қарор БМТнинг биринчи қарори эмас. Бунгача ҳам шу мазмундаги тўрт қарор бўлган. Улардан бири Андижон воқеалари ортидан Қирғизистонга қочиб ўтган қочқинларни қайта Ўзбекистонга берманганлар деган қарорга қарамасдан, Қирғизистон қочқинларни қўшни давлатга ўтказиб берган ва ҳеч қандай жарима тўлаган эмас. Шунинг учун БМТнинг бу каби қарорлари Қирғизистонга ҳеч қандай таъсир бера олгани йўқ. Менинг фикримча Азимжон Аскарловни қамоқдан озод этиб, унга товон пули тўланиши амримаҳол. Сабаби бизда охириги пайтларда судлар юридик қарор эмас, сиёсий қарорларни бажараяпти. Ҳозир судлар тўлиқ қарам. Барчаси 7 қаватни қараб қолишган. Унинг

устига президент ўзи ҳам судларга ишонч йўқ деганидан кейин ишни якунлангани шу” – дейди депутат Чўлпон Жакупова.

Азимжон Аскарловнинг қамоққа олиниши

Таниқли журналист ва ҳуқуқ фаоли Азимжон Аскарлов 2010 йил 16 июнда Қирғизистон жанубидаги фожевий июн воқеаларидан кейин қамоққа олинган.

Уни июн воқеалари жараёнида оммавий тартибсизликлар ташкил қилишда ва маҳаллий милиция зобитини ўлдиришда шерикликда айбланган.

2010 йил 15 сентябрида Қирғиз маҳкамаси Аскарловни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Азимжон Аскарлов ўзига қўйилган айбловларни ҳамиша инкор этиб келган.

АҚШ ҳамда Оврўпо Иттифоқи Азимжон Аскарловга чиқарилган маҳкама ҳукмидан ўз норозилиklarини билдириб келганлар, Азимжон Аскарловнинг дастлабки ҳибс пайти шафқатсиз қийноқларга тутилгани маҳкама томонидан инкор этилгани қайта-қайта таъкидланган.

АҚШ Давлат департаменти 2015 йил июлида Азимжон Аскарловни «Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» мукофоти билан мукофотлагани Қирғизистон расмийларини ғазаблантирди.

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги таниқли ўзбек инсон ҳақлари ҳимоячиси Азимжон Аскарловнинг АҚШ Давлат департаменти мукофоти билан тақдирланганини қоралаб баёнот эълон қилди.

«Азимжон Аскарловнинг бундай юксак мукофот билан мукофотланиши Қирғиз Республикаси томонидан бизнинг мамлакатимизда миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қарши қаратилган атайин амал деб баҳоланади. Қирғиз томони буни мамлакатда халқлар бирдамлигини мустаҳкамлашга қаратилган жараёни қўпоришга қаратилган омил сифатида кўради», дейилади Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда.

Азимжон Аскарлов мукофотланганига жавобан Қирғизистон АҚШ билан 1993 йилда имзоланган ҳамкорлик битимини бекор қилган эди.

ЎХХ ахборот бўлими



Ватанпарварнинг сохта ватанпарвардан беш фарқи

1. Ватанпарвар ўз ватанининг камчилиklarини кўради ва бу ҳолни ўнглаш учун муаммони кўтарди ҳамда ечиш йўлини қидиради.

Сохта ватанпарвар камчиликларга кўзини юмади, ватани ҳақида ёмон ўйга боришларини истамайди. Кўз юмишнинг иложи қолмаганида камчилик ва нохушлиklar миллий хусусият эканлигини исботлашга уринади.

2. Ватанпарвар ўз мамлақати аҳволини бошқа мамлакатларга нисбатан тийрақлик билан таққослайди, бошқаларнинг яхши тарафларини ўзлаштириш йўлини қидиради.

Сохта ватанпарвар бошқа мамлакатларнинг яхши-ёмон тарафини кўргани кўзи йўқ. Ўз ватанининг камчилигини-да фазилат санайди. Агар уни рад этишса, миллийлик, ўзига хос тараққиёт йўли каби тушунчаларни қалқон қилади.

3. Ватанпарвар ўзгача маданият, мамлакат, қадриятлар билан мулоқот йўлини қидиради, чунки тараққиёт ютуқларини алмашиш йўли орқали ривожланиш мумкинлигини, ихоталаниш боши берк кўчага элтишини англайди.

Сохта ватанпарвар ўзига ёт барча маданият ва субмаданиятни рад этади. У бошқа маданиятлар билан алоқа ўрнатилган ўз маданияти илдизига болта уради, деб ҳисоблайди. Агар далиллари етишмай қолса, миллийлик, ўзига хос тараққиёт йўли каби тушунчаларни қалқон қилади.

4. Ватанпарвар ўз юртини барқарор ва динамик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



ривожлантиришга интилади. Чунки турлича ижтимоий гуруҳларнинг манфаати турличадир. У ижтимоий муаммолар ечимини излайди. Бу муаммоларни мамлакатнинг барқарорлиги ва ривожланишига халақит бермасдан тинч йўл билан ҳал этиш йўлини кидиради.

Сохта ватанпарвар ташвиқотга берилувчан бўлиб, у расмий ҳукумат манфаатига мос ғояларни қўллайди ва шундан келиб чиқиб тафаккур юритади. Ижтимоий гуруҳлар орасидаги ҳар қандай келишмовчиликни умумий йўл орқали ҳал этишга уринишни ватан хоинининг фитнаси дея қабул қилади. Расмий ҳокимият тарғиб этувчи ғоядан четлашишни халққа қарши жиноят ҳисоблайди. Шу фикрлари билан у ватанини тоталитаризм ва инқилоб сари яқинлаштиради. Агар далиллари етишмаса, миллийлик, ташқи душманлар фитнасига чалғимасдан ўзига хос тараққиёт йўлидан бориш каби тушунчаларни қалқон қилади.

5. Ватанпарвар ижтимоий гуруҳларнинг турфафикрлиги ва кўпқирралигига интилади. Чунки фикр эркинлиги ва жамоавийликни рағбатлантириш йўли билан юрт тараққиёти суръатини ошириш, миллат ижодкорлик салоҳиятини юксалтириш, тез ривожланаётган мамлакатлар билан рақобатлашиш мумкинлигини англайди.

Сохта ватанпарвар эса барчани бир тоифага жамлашга ўч ва муқобил фикр эгасини қатъий жазолаш тарафдори. Ҳар қандай фарқланишни миллий бирликка таҳдид ва мамлакат келажагига хавф ҳисоблайди. У тез ривожланаётган қўшниларни кўрмасликка интилади. Агар кўргудай бўлса, миллийлик, атрофдаги душманлар фитнасига чалғимасдан ўзига хос тараққиёт йўлидан бориш каби тушунчаларни пеш қилади.

Манба: sof.uz

Ўз вақтида Хитой халқ республикаси раҳбари Цзян Цзэмин Қозоғистон билан транс-чегаравий ҳудуддаги дарёлар сувидан Хитой мафаатлари йўлида фойдаланиш ҳақида махфий кўрсатма берган. Бу ҳақда Қозоғистоннинг Хитойдаги собиқ элчиси Мурат Ауэзов “Мегаполис” газетасига берган интервьюсида айтган.

Хитойнинг Қозоғистон борасидаги асосий манфаатлари ҳақида нима деб ўйлайсиз деган саволга, собиқ элчи: “Бугун Хитойга бизнинг нефт ва газимиз керак. Лекин, энг асосийси, унга ўзининг Қозоғистонда оммавий ҳозирлигини қонунийлаштириши зарурроқ. Хитойнинг асосий муаммоси бу аҳолининг кўплиги.



Сариқ аждархонинг режалари

Ауэзовнинг сўзларига кўра, Хитойдан унга юборилган махфий ҳужжатларда, Хитой яқин вақт ичида транс-чегаравий дарёлар муаммоларини ҳал қилиш нияти йўқлиги ҳақида аниқ маълумот берилган. “Ва бугун хитойликлар бугун Қора Иртишда катта сув омборлари қуриб, Или дарёсини ҳам жиловлаб олишди. Хитой фермерлари катта миқдорда ҳашоратларга қарши дорилар ишлатишади. Кейин эса бу сувлар Или дарёсига оқизиб юборилади”, - дейди мутахассис.

Шунингдек, айнан шу сабабдан бугун Капшагай “ахлатхонага айланмоқда”. “Лекин Қозоғистон жим. Ваҳоланки биз Ҳиндистон ва Бангладеш каби, Хитой билан келаётган сувнинг ҳажми ва сифати борасида келишиб олишимиз зарур”, - деб таъкидлади Ауэзов.

Ауэзов суҳбат давомида, ушбу махфий ҳужжатлар нусхаларини Қозоғистон махсус хизматларига берганини, аммо бунга нисбатан ҳеч қандай расмий жавоб берилмаганини айтди.

Жамоат арбоби, Қозоғистоннинг ҳеч қачон на баҳсли ҳудудлар юзасидан ва на транс-чегаравий дарёлар муаммоси юзасидан кескин сиёсий баёнотлар қилмаганлигидан шикоят қилади.

Ва Қозоғистонда айтилаётгандан кўра сезиларли даражада кўпроқ хитойликлар мавжуд. Бу ерда хитойликларга нисбатан беҳурматлик ҳақида гап кетмаяпти. Биз ўз ўзимизни ҳурмат қилишимиз ва аввало ўз манфаатларимизни ҳимоя қилишимиз лозим. Хитой дарсликларида Қозоғистон ҳудудининг бир қисми “адолат юзасидан” ўсиб бораётган Хитойга тегишли бўлиши керак деб айтилади”.

Ауэзов, Хитой кейинчалик Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудига ташлаш учун Синцзянда бир кўприк ҳозирламоқда, деб ҳисоблайди. “Ханликларни Хитойнинг ички ҳудудларидан бизнинг чегараларимиз тарафларга оммавий кўчиришлар амалга оширилмоқда. Улар ажойиб шаҳарлар ва йўллар қуришмоқда. Бу миллионлаб одамлар. Уларнинг саноат-қурилиш бригадалари бир сутка ичида Хитойнинг профессионал армияси қисмига айланиши мумкин. Уларнинг умумий сони – бу тахминан Қозоғистон аҳолисининг бугунги сони билан баробар, ва улар тўғридан-тўғри Пекинга бўйсунишади”, — дея таъкидлади жамоат арбоби.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ислому даъвосидамиз.

Муслмонмисан деб сўрасалар, Алхамдулиллах, муслмонман деб жавоб берамиз.

Мазҳабимизга кўра тили билан “Ла илааха иллаллох, Муҳаммадур росулulloх” деган ва қалбида буни тасдиқлаган инсон, шубҳасиз, муслмондир.

Айтмоқчи бўлган фикримизни бошқа бир мисол билан далилласак.

Бир инсон касал бўлса, у соғайишни хоҳлайди, албатта. Табиб унга ёғли таомларни ема деб буюрса, у ҳар куни уч маҳал ёғли таом еса, нима бўлишини тасаввур қиляпсизми? Бироқ у тилида соғайман дейди ва бошқалар наздида гўё қалбида ҳам соғайишни орзу қилади. Амали эса буткул тесқари.

Бугун бизнинг муслмончилигимиз ҳам ана шундай бўлиб қолди, минг афсуслар бўлсин.

Муслмончилигимиз фақат тилимизда, амалимизда эса Ислому йўқ. Аксинча, Ислому дини амрларига хилоф қилиш билан бандми, холос.

Бугун юртимизда ҳар бир киши ҳукуматдан – МХХдан кўрқади. Икки нарсдан бир вақтда кўрқиш мумкин эмас. Оллоҳдан ҳам, ҳукуматдан ҳам бир вақтда кўрқиш мумкин эмас. Оллоҳ ҳам, унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳукуматдан, одамлардан эмас, фақат Оламларнинг Роббисидан кўрқишга амр қилган.

Биз муслмончиликни даъво қиламиз, лекин амалларимиз ўлда-жўлда.

Масаланинг сиёсий тарафидан кўз юмайлик-да, фарз ва суннатлар ҳақида гаплашайлик.

Оллоҳ таоло намозни фарз қилди. Бир кунда беш маҳал намоз ўқиш фарз. Биз гўёки ўқияпмиз. Аслида эса намозни росмана намоз сифатида адо қилолмаймиз. Агар тўсиқ бўлиб қолса – масалан, ишхонада, ўқишда – шартта қазо қиламиз, кетамиз. Аммо адо этиш учун жон-жаҳдимиз ила интилмаймиз.

Намозларнинг қазо бўлишидан юракларимиз оғримайди. Намозларни бемалол қазо қилиб ухлаймиз. Намоз ўқимасак-да, қалблар хотиржам, қоринлар тўқ, кўзлар уйқули.

Биз ўзимизни муслмон санаймиз, аммо оиламиз муслмонча одоб йўқ, тартиб йўқ. Сингилларимиз, аёлларимиз, қизларимиз кўчага аврат жойларини очиб чиқишларига жим қараймиз.



Биз қандай муслмонмиз?

Лекин муслмончилик ҳақида лоф урамиз.

Биз бир-биримизга насиҳат қиламиз, лекин у насиҳатлар амалда қўлланмайди. Насиҳатлар бир-биримизга ўзимизни реклама қиладиган декорация бўлиб қолди.

Кибрнинг ёмонлиги ҳақида кўп гапирамиз, лекин ҳеч биримиз ўзимиздаги кибрга беаёв кураш очмаймиз.

Саховатдан гапирамиз, бироқ кимдир минг сўм сўраса, ичимиздаги қаршилик қилиб турган нафсни енга олмаймиз.

Оллоҳнинг кули эканимизни айтамиз, аммо Унинг Каломини ўқимаймиз.

Олам бузилиб кетгани ҳақида гапирамиз, инсонфу диёнатнинг кўтарилганидан ваъз айтамиз, лекин унинг сабаблари ўзимизнинг ички олаимизда эканлигини ўйлаб кўрмаймиз.

Оллоҳ таоло ўз амрига маъмур бўлган, яъни фарз ва суннатларни тўқис бажарган, ҳамиша Оллоҳ зикри ила нафас олаётган бандаларига ҳайбат ва салобат бериб қўяди. У одам овозини кўтариши шарт эмас, у одам бошқаларни алдаши керак эмас, у одам ортга қараб қочиши шарт эмас. У одам, ҳатто, кўлига қурол олиши шарт эмас, чунки унга Оллоҳ шундай бир ахлоқ ва ҳайбат берадики, бир боқиши билан душманлари кўнглига ғулғула солади. Унинг қадам босишларидан гўё Ер титрайди, яъни унга қарши чиқадиган одамнинг дами кесилади.

У биров билан баҳслашиши шарт эмас, унинг бир оғиз гапи қалбларни эритади. Нигоҳлари дўстлар учун чексиз меҳр уммони

бўлиб кўринади, ғанимлари учун эса даҳшат солувчи бир куч сингари.

Биз сўзларимизни тиймаймиз. Миямизга нима келса, шуни гапирамиз. Тилимизга илашган сўзни қайтармаймиз. Оллоҳ олдида кўркмаймиз, аммо куллар олдида талвасага тушамиз. Шунинг учун Оллоҳ бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйгандир, Валлоҳу аълам.

Қоқилиб йиқилсак, истиғфор айтмаймиз – сўқинамиз. Сабрни билмаймиз, оила аъзоларимизга қўпол гапирамиз, бегоналардан яхши сўзларни аямаймиз, лекин яқинларимизга дилозорлик қилишдан тўхтамаймиз

Бу муслмонликми, ахир?

Ислому яшаш – бошимиздаги соч учидан то оёқдаги тирноғимизгача муслмончилик қонунлари асосда умр кечирмақдир. Айтаётган гапим, кийинишим, қадам босишларим, отамга, онам, хотинимга, болаларимга, дўстларимга, қўшниларимга, танишларимга, бегоналарга қилаётган муносабатимдан Оллоҳ розими, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай йўл тутар эдилар деган саволни ўзимизга бериб яшамоғимиз керак.

Албатта, саволни ҳамма беради, жавоб ҳам топади. Бироқ агар бу саволлар бизни ўрнимиздан кўзғата олмаса, бизни яхшиликка томон етакламаса, бу ҳам бекор.

Ибодатлар – рўза, намоз, зикр, ҳаж, закот – буларнинг ҳаммаси инсоннинг ҳимоячиси ҳамда уни Оллоҳга яқинлаштириши керак. Бизда бундай бўлмапти. Чунки биз фақат шаклларни адо қиламиз: беш маҳал жисмоний машқ каби намоз ўқиймиз, бир ой оч юрамиз, узоқ йўл босиб Макка ва Мадинага борамиз, лекин ҳеч нарсани ҳис қилмаймиз. Ҳис қилсак, унутамиз. Ҳамиша Оллоҳ кўриб тургани ҳақида ўйламаймиз. Шууримиз, қалбимиз бу ўйлардан ожиздек. Оламнинг алдовлари қалб ва ақлимизни кишанлаб ташлаган.

Агар биз комил муслмон бўлсак, ақалли, комил муслмон бўлиш учун бутун кучимизни сафарбар қилсак, ибодатларимиз, саховатларимиз ҳақида оғиз тўлдириб гапирмасдан хокисорлик билан, яхши амалларимизни пинҳон тутиб яшасак, қалбимизда бутун оламнинг Роббиси Оллоҳнинг мутлақ қудрати ва азаматини туйсак, ахлоқимиз гўзаллашади,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

феъллимиз мулойимлашади, ҳайбат ва салобатимиз ошади.

Оллоҳ бизга шундай бир фаросатни, фаҳмни берадики, у билан ҳар қандай кулфларни очиб ташлай оламиз. Бизни алдаб бўлмайди. Бизга хиёнат қила олмайдилар. Биз инсонларни бир китоб каби ўқий бошлаймиз. Энг буюк бир миллатга айланамиз. Фақат бунинг учун Ислом қоидаларини тўлиғича ҳаётга татбиқ этмоқ лозим бўлади.

Яқинда Муҳаммад Солиҳ ББСга берган интервьюсида сиёсий ислом ҳақида гапирди. **Бугун демократиянинг ўрнини фақат сиёсий ислом эгаллаши мумкин деди.**

Хўш, биз сиёсий ислом деганда нимани тушунимиз керак? Бугун Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган дейилади. Бироқ давлат истаганча дин ишларига аралашади, аммо диннинг фикри бирор марта бўлсин инобатга олинмайди.

Жамоат жойларида диний либосларда юриш мумкин эмас деб ёзилган қонун бор, лекин диний либос нима экани очиқланмаган.

Ислом шундайки, унинг турлари йўқ аслида. Яъни Ислом дини таснифланмайди. У маърифий, сиёсий ёки жангари бўлиши мумкин эмас. Балки у бир вақтнинг ўзида барча ижобий сифатларни ўзида жамлайди. Гоҳида одамлар қулоғига ғалати эшитилган сифатлар Исломда ижобий маъно каби этиши мумкин. Ислом қалбларни ислоҳ қилишда маърифийдир, давлатни бошқаришда сиёсийдир, ғанимлар ҳужум қилар экан, қарши курашишда жангаридир.

Бугун Исломни тинчлик дини деювчилар, Ислом уруш дини деювчилар, Ислом маърифат дини деювчилар ҳам бисёр. Бу сифатларни алоҳида олиб Исломга тақаш тўғри эмас, Балки Исломда ўз ўрнига қўра бу сифатларнинг ҳаммаси мужассамдир.

Айнан ББСга бир муҳаддис олим берган интервьюсида сиёсий исломга Марказий Осиё давлатлари тайёр эмаслигини таъкидлади. Бугунги вазиятни ҳисобга олса, тайёр эмасдир. Олим ўз сўзи давомида бир ҳикматли сиёсат олиб борса, балки тайёр бўлиш ҳам мумкин деди. Бу фикрга ҳам қўшилиш мумкин.

Исломнинг сиёсийлашуви – жиддий ҳодисадир. Аслида,



ислом Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир бутун ҳолда тушди. Шунинг учун исломни сиёсатдан ажратиб қўйиш – катта жиноят деб айта оламиз.

Чунки бугун Ғарб оламида, айниқса, турли ахлоқ эгалари ўзлари мансуб бўлган гуруҳларни ҳимоя қилиб сиёсий мавқега кўтаряптилар. Нима учун Ислом сиёсий бир куч сифатида кўринмаслиги керак? У фақатгина рўзғор дини эмас-ку. У одамларни тинчлантирадиган восита эмас-ку! Ислом динида жамиятни тараққиётга олиб чиқиш потенциал бор. Уни инкор қилиш, шубҳасиз, қолоқлик ва фикрий догматизм белгисидир.

Бугун Ўзбекистонда Исломни, ҳақиқатдан ҳам, сиёсий куч сифатида кўришни тасаввур қилиб бўлмайди. Оддий мусулмонларнинг аксари буни хаёлларига ҳам келтира олмай қолганлар. Аслида, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Алихонтўра Соғуний каби алломалар Исломни давлат бошқарувидаги реал куч деб билишган.

Хўш, Ўзбекистонда Ислом қандай қилиб сиёсий бир кучга айланиши мумкин? Биз юқорида – комил мусулмон бўлиш ҳақида тўхталдик. Ислом арконларига мукамал амал қилиш тўғрисида гапирдик. Бу билан мусулмонга Оллоҳ таоло ҳайбат ва қудрат беришини айтдик. Исломнинг сиёсий куч ўлароқ саҳнага чиқиши ҳам айнан ана шу билан боғлиқдир.

Зотан, беш вақт намоз ўқимай, рўзани тутмай, фарз ва суннатларни сидқидилдан адо қилмай Исломни сиёсий куч сифатида тақдим қилиш ақлга сиғмайди.

Муҳаммад Солиҳ ўтган асрнинг 90-йилларида: **“Исломий давлат бўлмайди, балки давлат бошқарувида ибодатли мусулмонлар келиши мумкин, улар эса Ислом ахлоқи ва кўрсатмаларига мувофиқ равишда иш юритсалар, шу исломий бир сиёсат бўлади”**, – деган фикрни айтган эди.

Шунда ўртага яна бир муаммо чиқади: Исломда турли фирқалар бор. Агар Исломга сиёсий куч сифатида эркинлик берилса, улар ўртасидаги ихтилофлар ёмон оқибатларга олиб келмайдами?

Ҳақли савол.

Бу саволнинг ечими ҳам Исломнинг ўзидадир. Ислом дини бағрикенг диндир. Бир мазҳаб иккинчисини баъзи масалаларда инкор қилса, ҳеч қачон ўзаро уруш очмайди. Чунки Ислом ақидаси ягона. Мусулмонлар ибодат шакллари билан ўзаро фарқлансалар ҳам, уларнинг Оллоҳ олдидаги ҳиссиёти, сўрайдигани биттадир.

Ислом тафаккурни, руҳни, дунёқарашни тарбиялайди. Агар Исломга тўлиқ амал қилинса, яъни биз мусулмонлар динимиз кўрсатмаларига қатъиян бўйсунсак, барча мазҳабларга бағрикенг бўлсак, уларни рад қилишда шошилмасак, бу ўзаро иттифоқимиз асоси бўлиб хизмат қилади.

Бу масалани биринчи томони эди. Иккинчи томони шундаки, Ислом дини асосий сиёсий куч бўлмаган жойларда ҳам нотинчликлар бўляпти, урушлар кетяпти. Дикқат қилинса, ҳеч бир урушнинг бошида мусулмонлар тургани йўқ, балки уларнинг орасига нифоқ солган ва бўлиб ташлаган ташки кучлар турибди. Қурбонлар мусулмонлар бўлгани ҳолда айбдор ҳам мусулмон деб кўрсатилмоқда.

Албатта, бу ҳол биз ўз қалбимизни ва ҳаракатларимизни ислоҳ қилишимиз зарурлигини англайди. Зотан, Исломга ихлос билан амал қилиш бизнинг мақсадларимизга эришишнинг ягона йўлидир.

Дарвоқе, Ўзбекистонда Ислом динига бўлаётган муносабат ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз ҳозир. Шунчаки, халқ орасида тарқалган бир қитмир иборани айтиб қўямиз, хулоса чиқариб олиш ўзингиздан: **“Ислом келиб юртимга – Ислом кетди юртимдан”**.

Абдуллоҳ Нусрат



«МХХГА ИШГА КИРИШ УЧУН ПОРА БЕРДИМ»

Савол: Мен Миллий Хавфсизлик Хизматига ишга кириш учун ҳужжат топширгандим. Мендан 12 минг АҚШ доллари сўрашди. Мен бу пулни бердим, берганим тўғрисида далилим бор: яширинча сёмка қилдим. Ҳали ҳамон ишсиз юрибман. 3 йил бўлди. Мен кимга ва қаерга мурожаат қилишим керак? Бундай ҳолатда қандай иш тутишим керак?

Жавоб: Авваламбор, Миллий Хавфсизлик Хизматига ишга кириш учун пул тўланмайди. Демак, сиздан 12 минг АҚШ доллари сўрашган ва олган бўлишса ва бу ҳаракат ишга олишга ваколатли шахс томонидан амалга оширилган бўлса, бу хатти-ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 210-моддаси 3-қисми билан, масъул мансабдор шахс томонидан пора олиш деб баҳоланиши лозим. Агарда ишга олишга ваколатли бўлмаган шахс томонидан ушбу жиноий қилмиш амалга оширилган бўлса, бу шахснинг жиноий қилмиши пора олиш-беришда воситачилик қилиш сифатида Ўз. Рес. ЖКнинг 212-моддаси 3-қисмининг тегишли бандлари билан ёки фирибгарлик – алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш сифатида ЖКнинг 168-моддаси билан тавсифланиши мумкин.

Орадан уч йил вақт ўтган

“3 йил бўлди” деган ҳолат бўйича шуни айтиш лозимки, аслида порахўрлик бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансаб жиноятларини – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига

олади. ЖКнинг 211-м., 4-қ. да пора берувчини жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг икки асоси мавжуд: биринчидан, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса? Иккинчидан, бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса. Ушбу ҳолатлардан бири аниқланса, пора берган томон жавобгарликдан озод этилиши шарт. Бунда ихтиёрий хабар бериш мотиви ва пора бергандан кейин ўтган вақт аҳамиятга эга эмас (Қаранг: Ўз. Рес. ЖКга шарҳлар. Махсус қисм. 531-бет. Тошкент — “ИЛМ ЗИЁ”- 2006).

Қаерга шикоят қилиш керак?

Бу каби жиноятлар содир этилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан



назоратни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси ҳисобланган Ўз. Рес. Бош прокуратурига, тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурига, вилоят ёки шаҳар прокуратурига ўзингиз ариза билан далилларингизни илова қилган ҳолда мурожаат қилишингиз мумкин. Бу ишда адвокат ёрдамидан фойдаланишингиз мақсадга мувофиқ бўлади. (Қаранг: “Прокуратура тўғрисида»ги Қонун).

Видеотасвир далил сифатида ўтадими?

Пора бериш жараёнини видео ёзувга тушириб олганингиз далил сифатида ўтади. Фақат у қонун талабларига риоя қилинган ҳолда, яъни у тегишли субъект — далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс — суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан олинган бўлса, уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя қилинган бўлса.

Ўз. Рес. Олий судининг 2004-йил 24-сентябрдаги “Далилларнинг мақбуллигига оид жиноят процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қароридан бу масалалар батафсил баён қилинган бўлиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга қўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади. Мазкур ҳолат бўйича мавжуд воқеани видеотасвирга олишнинг, албатта, учинчи шахс қўмағида амалга оширилганлигини ҳам эътиборга олиб, терговчи, прокурор ва суд уни иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан солиштириб, жиноят иши бўйича далил сифатида ишга қўшиш мумкинлигини муҳокама қилиши лозим бўлади.

Бу жиноятни исботлаш учун яна қандай далиллар тақдим қилиниши лозимлигига келсак, жабрланувчининг кўрсатуви, видеотасвирга олган ва бошқа гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Манба: tashabbus.com

Шу кунларда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Москвада Россия президент билан музокарлари сўнггида берилган матбуот анжуманидаги нутқи таҳлилчилар эътиборини ўзига тортмоқда.

Шу жумладан Каримовнинг Президент Путиндан деярли беш баробар узунроқ нутқ қилганигина эмас, унинг оҳанги, кўтарган мавзулари, дипломатик нутқ доирасидан не қадар қолгани ва коса остидаги ним коса маъноларини қидириш уринишлари ҳам бор.

Лондон университетларидан бирида Марказий Осиё ва Қавказ марказидан таҳлилчи Алишер Илҳомов кузатувлари билан танишинг.

Мен Президент Ислам Каримовнинг нутқларини ҳамиша катта қизиқиш билан эшитаман.

Каримовнинг аввалдан бошқалар томонидан тайёрлаб берилган нутқлари матнидан чиқиб кетиш одати туфайли, унинг нутқлари турли мазмунларга бой бўлади. Бу борада кузатувчиларнинг аксари мен билан ҳамфикр бўлсалар керак.

Мен Каримовни дипломатик нутқларнинг джазмени, дея атаган бўлардим.

У аввалдан ёзилган ноталар ва берилган мавзудан четга чиқиб кетишга мойил, импровизацияларга берилиб кетувчи, ўзига хос муסיқачидир.

Албатта, бу джазменча нутқ уқувини Ислам Каримов унга эътибор ҳамиша таъминланган Ўзбекистонда Вазирлар маҳкамаси, парламент аъзолари, турли омма ўнгидаги чиқишлар ва форумлардаги нутқлари натижасида эгаллаган.

Бу каби нутқлар мобайнида бир эснаб кўринг-чи, кунингизни



Каримов ва Путин нутқлари таҳлили

кўрасиз.

Каримов ҳақида — мамлакатдаги ягона сиёсатчи — деган таъриф юради. Мен бу таърифга ягона джазмен, ягона актёр ва ўз фикрини изҳор этувчи ягона шахс деган таърифларни ҳам киритган бўлардим.

Лекин агарда Ўзбекистондаги бошқаларга ҳам бу каби ўз фикрларини изҳор этиш имкони берилганда эди, албатта буюк келажак воқеликка айланган бўлурди.

Мана Москвадаги Президент Путин билан музокаралар ниҳоясидаги матбуот анжуманида Каримов яна серқуёш мамлакатга мадҳиясини ижро этди. Мадаҳияни ўта берилиб, ўзига хос илҳом билан ижро этди.

Президент Путин кўлидаги қоғоздан кўзини узмай 4 дақиқадаёқ нутқини юмалоқ ёстик қилган бир пайтда, Каримовнинг бу мадаҳияни ижро этиши 20 дақиқдан кўпроқ вақтни олди.

Бу икки нутқнинг усули мутлақо ўзгача эди.

Бу албатта ташки, расмий кўриниш.

Мазмунига келсак, маэстро Каримов қандай мавзуларга тўхталди.

Мавзулар бир неча эди. Лекин бу мавзуларни илғаб олиш таҳлилчи учун мушкул вазифа. Путин ва Каримов нутқларининг «сўз булутига» назар ташлайлик, булар қайси сўзларни энг кўп ишлатишган экан?

Кўриб турганингиздек, Путин энг кўп ишлатган сўзлар — «ҳамкорлик», «алоқа», «сармоя ётқизиш», «миллиардлар», «долларлар» ва ниҳоят «Ўзбекистон». Бу сўзларнинг пайдо бўлиш даражаси тушунарли ва музокаралар мавзусига мос тушади.

Энди Каримов нутқида энг кўп ишлатилган сўзларга назар ташлайлик.

Истехзоли ери шуки, бу сўзлар ҳеч қандай маълумот ўзида тутмайдиган сўзлар: «бу, нима, фақат, биз»

«Афғонистон» ва ШОС каби маънодор сўзлар анчайин камроқ ишлатилган. Ё, дейлик, Ўзбекистон ҳамда Россия сўзлари қани?

Буни мен ўз молини сотмоқчи бўлган савдогарнинг йирик ҳарфлар билан молининг афзалликларини ёзиб, кичик ҳарфлар билан сотиб олиш шартлари ва чекловларини ёзишига ўхшатдим.

Лекин бир фарқи бор, олмош ва кўмакчи сўзлар сотмоқчи бўлган молнинг афзалликлари ҳақида маълумот бермайди.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Демак савдогар сифатида Каримов ўз вазифининг уддасидан чиқмади. Ҳар қалай бу галги нутқи давомида.

Албатта, шунга қарамай, унинг нутқи мазмундор эди. Лекин бу мазмунни кидириб топиш лозим. Чунки биз истабми ёки истамай кам маънога эга бўлган сўз ва фикр ортига мазмунни яшириш ҳаракатига дуч келмоқдамиз.

Худди у ўз сўзини айтмоқчи бўлгану, лекин айна вақтда адаштиришга ҳам ҳаракат қилган. Яъни унинг айтар сўзини фақатгина танланган бир ҳовуч инсон тушунса.

Бу эса ўз навбатида унинг Путин билан «очикчасига суҳбатлашиб олингани» ҳақидаги даъвосига мос келмайди.

Ёки у олмош ва кўмакчи сўзларга бой бўлган нутқи билан, яширин мазмунли мафҳум нутқи билан фақатгина кенг оммани адаштирмоқчи бўлдимми ва Путин билан суҳбаги мобайнида аниқ, ошқор ва мазмундор бўлганмикан? Балки шундайдир...

Хўш, Каримовнинг импровизацияларида қандай мавзулар янгради?

Биринчидан, фақатгина унинг ўзи президент Путин билан очикчасига ва ишонч билан гаплаша олиш имконига эга бўлгани.

Бундай бўлса, кимга бу имкон берилмаган? Эҳтимолки, Путиннинг Овросиё иктисодий ҳамкорлик ташкилоти бўйича ҳамкорлари назарда тутилгандир...

Бу ерда айниқса яқинда ўзбек-қирғиз чегара ҳудудида бўлиб ўтган ҳодисалар манзарасида бошқа марказий осиёлик раҳбарлар билан муқояса, айниқса Атамбоев ва Раҳмон билан муқояса қилинган бўлса ажаб эмас.

Шундан сўнг Каримов ўзини ташвиш ва хавотирга солаётган, кечалари уйку бермаётган нимадир ҳақида узоқ чайналди.

Лекин бу ташвишли мавзу нима эди, фақат тахмин қилишимиз мумкин. Балки кейинроқ тилга олган Афғонистон борасидамикан...

Каримов Афғонистондан АҚШ ва НАТО кучларининг олиб чиқилиши туфайли у ердаги вазият барқарорлашмаслигидан анчадан бери хавотирда.

Агарда Толиблар яна Ўзбекистон чегараларига яқинлашиб келсалар, унинг ўз кучи билан уларга қарши чиқа олишига ишончи йўқдек.

Лекин хавотирга асос борми? Ўзбекистон курулли кучлари Марказий Осиёдаги энг қудратлиси деб кўрилади. Лекин курулли кучларнинг режимга содиқлиги савол остидадир.

Мусулмонлар ва фуқаро жамиятига нисбатан оммавий таъйиқ содиқликнинг ўсишига олиб келмайди ва буни Каримов ҳис қилаётган бўлиши мумкин.

Каримов, кўринишича, Россияни минтақадаги йирик қудрат бўшлиғини яна тўлдириши тарафдори. Афтидан, Президент Каримов афғон муаммосини жаҳоннинг ва минтақанинг йирик кучларисиз ечилишига ишонмайди.

Балки Каримовнинг минтақа аҳамиятини кичрайтириб кўрсатувчи иборларни ишлатгани ҳам шундандир. Масалан, бир вақтлар Солженицин томонидан киритилган ва Марказий Осиёдаги зиёлиларнинг қаҳрига сабаб бўлган «Россия қорни остидаги ҳудуд» каби ибора каби... Эндиликда гўёки Каримовнинг ўзи ҳам маҳаллий ватанпарварларнинг ғазабини кўзгаган иборани қабул қилишга тайёр бўлгандек...

Шундан сўнг Каримов нутқида Россия томон ҳамду-санолар ҳам янгради. Россиянинг минтақадаги манфаатлари долзарб ва қонуний эканлиги тан олинди.

Мана шу масалага келганда, президент Каримов ҳақиқатан ҳам аниқликни касб этди. Эҳтимолки, бу каби ошқоралик минтақадаги кўшнилари, ва нафақат уларни ҳатто ҳайратга солса.

Президент Каримовнинг даҳанаки содиқлиги қандай натижаларга олиб келиши ҳозирча номаълум.

Шу вақтгача бўлгани каби, бу Кремлнинг неоимперал сиёсати даражасини тушириш шунчаки оғзаки лаганбардорлик ва адаштириш уруниши бўлса ҳам эҳтимол. Лекин шу билан бирга, икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликнинг янги даврасига ҳам олиб келиши мумкин.

Бирок иш Ўзбекистоннинг Овросиё Иттифоқи ёки Коллектив Ҳавфсизлик Шартномасига аъзо бўлиб киришига қадар бориб тақалади, деб ўйламайман.

Айна вақтда Каримовнинг келгуси нутқларини кутиб қоламиз ва семантик маънони чақиш қобилиятимизни кучайтиришга ҳаракат қиламиз.

Манба: www.bbc.com

Сенинг қайғунг билан яшашим – маъно

Мен билган ҳақиқат

Жонидан қимматроқ нарсаси йўқни
Ёлғон бўлмасмикан миллат, халқ десам...

Инонмас, рад этар – жойинг – жаҳолат,
Беланганинг – зиллат, уйғон, қалқ десам...

Мен билган ҳақиқат ҳақиқатдир,
Чин,
Зотан, айтганларим – аждодим сўзи.

Бу сўзлар қўлидан кўз тутиб таскин
Қолиб кетмасам, бас, бунда бир ўзим...

Сенинг қайғунг билан яшашим – маъно,
Сенсиз хастароқдир қаламанд қалбим...

Кўрсам, кўзинг – порлоқ,
Хурлигинг – маъво,
Шу менинг бахтимдир, эй она халқим.

Мен ўқийман

Ҳеч ким китоб ўқимайди. Мен эса Метрода тик туриб китоб ўқийман.

Ибрат бўлмоқчиман – одамлар сезса,
Метрода керилиб китоб ўқийман.
Қалин китобларни қўлтиқлаб олиб,

Бекатдан бекатга ўтаман сархуш.
Одамларнинг бари китобдан холи,
Мен эса китобсиз қўймам кўлни бўш.

Шеърлар тўплами бу. Бу эса роман.
Дунё адиблари тан олган китоб.
Ҳар ерларда ўқиб қиламан тамом,
Гўё кўзим ила этаман тавоф.

Одамларга қараб қўйман секин,
Кейин масжид сари йўлни оламан.

Кўрсинлар деб намоз ўқимоқ учун
Қулоққа чўнтақдан кўлни оламан.
Аммо англамайман муҳаққак ҳақни,
Боримни бой бериб юрган ҳар жойда –

Одамлар кўзи чун унутиб ўзни
Ўқиган ҳеч нарсам бермайди фойда.

Гўрўғли

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов